

Хужжат кучини йўқотган 14.05.1993

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОНСТИТУЦИОН НАЗОРАТ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон ССР Конституцияси (асосий қонуни)га ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ мазкур Қонуннинг номидаги ҳамда матнидаги «Ўзбекистон ССР» деган сўзлар тегишли келишикдаги «Ўзбекистон Республикаси» деган сўзлар билан алмаштирилган. Шунингдек, «Қорақалпоғистон АССР» деган сўзлар тегишли келишикдаги «Қорақалпоғистон Республикаси» деган сўзлар билан алмаштирилган.

LexUZ шарҳи

Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг 1993 йил 6 майдаги 821-XII-сон қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ўзбекистон Республикасида конституцион назоратнинг мақсадлари

Ўзбекистон Республикасида конституцион назорат давлат органлари ва жамоат ташкилотлари хужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасида эса — Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига мос бўлишини таъминлаш, шахснинг конституцион хуқуқлари ва эркинликларини, Ўзбекистон Республикаси халқларининг хуқуқларини, совет жамиятининг демократик негизларини муҳофаза қилиш мақсадида таъсис этилган.

2-модда. Конституцион назорат органлари

Ўзбекистон Республикасида конституцион назоратни Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитети, Қорақалпоғистон Республикасида эса Қорақалпоғистон Республикаси Конституцион назорат комитети амалга оширади.

3-модда. Конституцион назорат органлари фаолиятининг асосий принциплари

Ўзбекистон Республикасида конституцион назорат органлари социалистик қонунчилик, коллегиалик ва ошкоралик асосида иш олиб боради.

Ўзбекистон Республикасида конституцион назорат органлари мустақилдирлар ва фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасида эса — Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига ҳам бўйсунадилар.

Конституцион назорат органлари фаолиятига ҳеч қандай аралашувга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

4-модда. Ўзбекистон Республикасида конституцион назорат тўғрисидаги қонунлар

Ўзбекистон Республикасида конституцион назоратнинг вазифалари, уни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Қонун билан, Қорақалпоғистон Республикасида эса — шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва Қорақалпоғистон Республикасида конституцион назорат тўғрисидаги Қорақалпоғистон Республикаси Қонуни билан белгиланади.

II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИОН НАЗОРАТ КОМИТЕТИНИНГ ҲАЙЪАТИ ВА УНИ САЙЛАШ ТАРТИБИ

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитетининг ҳайъати

Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитети сиёsat ва хуқуқ соҳаси мутахассисларидан комитет раиси, раис ўринбосари ва Қорақалпоғистон Республикаси вакилини қўшиб ҳисоблаганда комитетнинг 9 аъзосидан иборат қилиб сайланади.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитетини сайлаш

Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитетининг аъзолари, раиси, раис ўринбосарини Ўзбекистон Республикаси Олий Совети ўн йил муддатга сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитетининг шахсий ҳайъати тўғрисидаги таклифни Ўзбекистон Республикаси Олий Советига Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Раиси тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини олган шахс сайланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитети фаолиятида узлуксизликни таъминлаш мақсадида ҳар беш йилда унинг ҳайъатининг ярми янгиланади.

Комитетнинг янги сайланган аъзолари сайланган вақтларидан бошлаб ўз лавозимларини эгаллайдилар.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитетига сайланган шахсларнинг қасамёди

Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Раиси Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитетига сайланган шахсларни қасамёд қилдиради.

Қасамёд матни: «Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитети аъзосининг зиммамга юкланган вазифаларни вижданан бажаришга, бунда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг барча қоидаларига бўйсунишга ва улардан бошқа ҳеч нарсага бўйсунмасликка тантанали қасамёд қиласман».

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитетига сайланган шахснинг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш

Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитетига сайланган шахснинг ваколатлари: унинг истеъфога чиқиш тўғрисидаги илтимосига биноан; саломатлиги ўз вазифаларини бажаришга тўсқинлик қиладиган даражада ёмонлашганлиги муносабати билан; қасамёдни бузган тақдирда; суднинг унга нисбатан айлов ҳукми қонуний кучга кириши муносабати билан муддатидан илгари тўхталиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитети ҳайъатига киравчи шахснинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Раиси тақдимномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Совети қабул қиласади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети сессиялари оралиғидаги даврда Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитетига сайланган шахснинг ваколатлари у қасамёдни бузган ёки суднинг унга нисбатан чиқарган айлов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда тўхтатиб турилади. Ваколатни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Раиси томонидан қабул қилинади.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитетига қўшимча равишда сайлов ўтказиш

Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитети ҳайъатига кирган шахс муддатидан олдин чиқиб кетган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Олий Совети ваколатнинг қолган муддатига комитет ҳайъатига бошқа шахсни қўшимча равишда сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитети ҳайъатига кирган шахс унинг ваколат муддати тугашига бир йилдан камроқ вақт қолганда чиқиб кетган тақдирда унинг ўрнига комитетга янги аъзо сайланмайди.

III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИОН НАЗОРАТ КОМИТЕТИ ВАКОЛАТЛАРИ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ ТАРТИБИ

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитети назорат қиладиган ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитети:

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети муҳокамасига киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа ҳужжатлар;

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини қараб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитети:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Раисининг қарорлари ва фармойишлари;
Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари;
Ўзбекистон Республикаси Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишлари;
Ўзбекистон Республикасининг ратификация қилиш ёки тасдиқлаш учун тақдим этилган халқаро шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятлари;
Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг раҳбарий тушунтиришлари;
Ўзбекистон Республикаси Баш давлат ҳакамигининг норматив тусдаги хужжатлари, шунингдек бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ прокурор томонидан назорат қилинмайдиган норматив ҳукуқий хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини назорат қилиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитетининг назорат қилиш вазифалари судларнинг ҳукми ва бошқа қарорларига, тергов, прокуратура давлат ҳакамлиги органларининг гражданлик, жиноий, маъмурий ишларига доир қарорларига таалуқли эмас.

11-модда. Келишмовчиликларни кўриб чиқиш

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари қабул қилган хужжатлар Конституциясига мувофиқлиги хусусида улар орасида келишмовчиликлар чиқсан ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитети исталган баҳслашувчи томоннинг ташабbusи билан ана шу келишмовчиликларни ушбу Қонунда белгилаб қўйилган қоидаларга ва Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитетининг иш тартибига мувофиқ равища кўриб чиқади.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат кўриб чиқиши учун масалаларни киритиш

Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитети:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Советида кўриб чиқиш учун киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва ўзга хужжатлари лойиҳалари хусусидаги;

2) Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари камида бешдан бир қисмининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Раисининг, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Советининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Совети қабул қилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва ўзга хужжатлар хусусидаги;

3) Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари хусусидаги;

4) Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг топшириғи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Раисининг, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Советининг таклифларига биноан — Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари хусусидаги;

5) Ўзбекистон Республикаси Олий Совети топшириғи билан Ўзбекистон Республикаси халқ депутатарининг камида бешдан бир қисмининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Советининг таклифларига биноан — Ўзбекистон Республикаси Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома мажбуриятлари ва бошқа мажбуриятлари хусусидаги;

6) Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг топшириғига, Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Раисининг Ўзбекистон Республикаси Олий Совети доимий комиссиялари, Ўзбекистон Республикаси Министрлар Совети, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Советининг, Ўзбекистон Республикаси Халқ назорати комитети, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Прокурори, Ўзбекистон Республикаси Баш давлат ҳаками, жамоат ташкилотлари республика органлари ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг таклифларига биноан

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ прокурорлик назорати амалга оширилмайдиган бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг норматив ҳукуқий ҳужжатлари хусусидаги масалаларни кўриб чиқиш учун қабул қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитети Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Совети томонидан тузиладиган ёки сайлаб қўйиладиган бошқа органларнинг ҳужжатлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг қарорлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига мослиги ёки мос эмаслиги тўғрисидаги масалани ўз ташаббуси билан кўриб чиқишга ҳам ҳақлидир.

Башарти, давлат бошқарув органлари, суд, прокурорлик ва бошқа ҳукуқни муҳофаза қилувчи ва қонунни қўлловчи органлар, жамоат ташкилотлари ва гражданлар қонун ёки ўзга норматив ҳужжат билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўртасида тафовут борлигини аниқласалар, бу ҳақда масалани Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитетида кўриб чиқиш учун топширишга ваколатли бўлган органга хабар қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитети ўз ваколатига мос келмагани учун айрим топшириклар, таклифлар ва мурожаатларни рад этишга ҳақлидир.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитетининг ўз ташаббуси билан масалаларни кўриб чиқишга қабул қилиши

Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитети Раиси, раисининг ўринbosари ва Комитет аъзолари Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитети ўз ташаббуси билан кўриб чиқиш учун масала киритиш ҳукуқига эгадирлар.

Масалани кўриб чиқиш тўғрисидаги қарор мажлисда қатнашаётган комитет аъзолари қўпчилигининг овози билан қабул қилинади.

14-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитетининг Раиси ва Раис ўринbosари

Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитетининг Раиси Комитет ишига умумий раҳбарлик қиласди, ўз ташаббуси билан ёки Комитетнинг камида уч аъзосининг таклифига кўра комитетнинг мажлисларини чақиради, уларда раислик қиласди, шунингдек, ушбу Қонун билан унинг зиммасига юклатилган бошқа вазифаларни бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитети Раисининг ўринbosари комитет Раиси берган ваколатга мувофиқ унинг баъзи вазифаларини бажаради ва Раис бўлмаган ҳолларда ёки у ўз вазифаларини бажариш имкониятига эга бўлмаганда унинг ўрнини эгаллаб туради.

Комитет Раиси ва унинг ўринbosари ўз вазифаларини амалга ошириш имкониятига эга бўлмаган ҳолларда Раис ёки унинг ўринbosари ўз вазифаларини бажариш учун қайтиб келгунга қадар ёки Ўзбекистон Республикаси Олий Совети янги Раис ва раис ўринbosарини сайлагунга қадар комитет ўз ичидан раис сифатида иш олиб борадиган муваққат Раисни сайлайди.

15-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитетининг аъзолари

Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитетининг аъзоси комитет кўриб чиқаётган барча масалаларда ҳал қилувчи овоз ҳукуқига эгадир.

Комитет аъзоси Комитет ўзи кўриб чиқаётган ҳужжатлар ва ҳужжат лойиҳаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мослиги ёки мос эмаслиги тўғрисидаги масала юзасидан холоса қабул қилгунга қадар, комитет аъзоси бу ҳақдаги ўз фикрини қўпчилик олдида айтиш ҳукуқига эга эмас.

16-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитетида масалани кўриб чиқишга тайёрлаш

Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитетининг Раиси масалани комитет мажлисида кўриб чиқишга тайёрлашни комитетнинг бир ёки бир неча аъзосига топширади ва топшириқни бажариш муддатини белгилаб қўяди, бу муддат олти ойдан ошмаслиги керак.

Масалани тайёрлаш давомида комитет аъзолари: